

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ss.01.08. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ

БАЙРЫЕВА АЛМАГУЛ ҚУРБАНОВНА

ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИ ТАЪМИНЛАШДА ВАКИЛЛИК
ҲОКИМИЯТИ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ
САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК МЕХАНИЗМЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

23.00.02 – Сиёсий институтлар, жараёнлар ва технологиялар

СИЁСИЙ ФАНЛАР ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора (DSc) наук

Contents of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Байрыева Алмагул Қурбановна

Жамият тараққиётини таъминлашда вакиллик ҳокимияти ва фуқаролик жамияти институтларининг самарали ҳамкорлик механизмларини такомиллаштириш3

Байрыева Алмагул Қурбановна

Совершенствование механизмов эффективного сотрудничества представительной власти и институтов гражданского общества в обеспечении развития общества.....35

Bayrieva Almagul Qurbanovna

The improving effective cooperation mechanisms between representative government and civil society institutions in ensuring the development of society.....65

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....70

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ss.01.08. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

БАЙРЫЕВА АЛМАГУЛ ҚУРБАНОВНА

**ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИ ТАЪМИНЛАШДА ВАКИЛЛИК
ҲОКИМИЯТИ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ
САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК МЕХАНИЗМЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

23.00.02 – Сиёсий институтлар, жараёнлар ва технологиялар

**СИЁСИЙ ФАНЛАР ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.D.DSc/Ss44 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз-резюме) илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.sf-ik.uz) ҳамда "ZiyoNET" ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Пахрутдинов Шукритдин Ильясович
сиёсий фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Идиров Улугбек Юсупович
сиёсий фанлар доктори, профессор

Джўраев Юлдаш Очилович
юридик фанлар доктори, профессор

Жалилов Ақтам Ташназарович
сиёсий фанлар доктори (DSc), профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат иқтисодийёт университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Ss.01.08. рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил "09" шоч куни соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Ўзбекистон Миллий университетининг Ижтимоий фанлар факультети, 5-кават, 511-хона). Тел.: (99871) 246-52-74; факс: (99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz.

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (31 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Ўзбекистон Миллий университети Маъмурий биноси, 2-кават, 4-хона. Тел.: (99871) 227-02-24; факс: (99871) 246-02-24.

Диссертация автореферати 2021 йил "28" 05 кунини тарқатилди.
(2021 йил "28" 05 даги 29 рақамли реестр баённомаси).



А.Г.Муминов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси ўринбосари, сиёс.ф.д., профессор

К.М.Мирзаахмедов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, ф.д. (PhD)

А.Г.Муминов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, сиёс.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда демократлаштириш жараёнларининг муваффақияти давлат ҳокимияти органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш ва кенгайтириш, вакиллик ҳокимияти органлари фаолиятида фуқаролик жамияти институтларининг ролини ошириш билан белгиланмоқда. Халқаро тажрибада ривожланган мамлакатларда давлат ҳокимияти фаолиятини назорат қилиш, бошқарув самарадорлигини таъминлашда нодавлат нотижорат ташкилотлари фаоллигига катта аҳамият берилмоқда. Шу боисдан ривожланаётган дунёда вакиллик ҳокимияти органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро таъсирини таҳлил қилиш, шунингдек, мазкур субъектлар таъсирлашуви натижаларига доир оптимал механизмларни кўрсатиб бериш ва уларнинг ҳамкорлигини замонавий талаблар асосида тараққий эттириш борасидаги илмий изланишларнинг амалий аҳамияти ошиб бормоқда.

Ривожланган хорижий давлатларда амалга оширилаётган кенг камровли ислохотларнинг ҳозирги босқичида давлат вакиллик органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш, давлат ва жамият ўртасидаги ижтимоий шерикликни кучайтириш, фуқаролик жамияти институтларининг жамият ҳаётидаги роли ва масъулиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилиб, “фуқаро” ва “фуқаролик жамияти институтлари”нинг сиёсий жараёнлардаги фаоллигини янада оширишни жадаллаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунингдек, ривожланган мамлакатларда фаолият олиб бораётган бир қатор тадқиқот марказларида муҳим ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ҳамда маънавий соҳалардаги муаммоларни ҳал этиш учун халқ ва давлат вакиллик органлари ўртасидаги мулоқот самарадорлигини оширишга қаратилган илмий тадқиқот изланишлар олиб борилмоқда. Илмий тадқиқотларда жамоатчилик назорати механизмини татбиқ этиш, фуқаролик жамияти институтларининг ҳуқуқий таъсири ва мақомини такомиллаштириб бориш, вакиллик ҳокимияти органлари фаолияти самарадорлигини таъминлашга катта эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистонда маҳаллий вакиллик ҳокимияти органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигининг ўзига хос йўналиши бўлган халқ билан мулоқот тизими шаклланмоқда. “Жамият-ислохотлар ташаббускори” деган янги ғояни амалда рўёбга чиқариш, аҳолининг давлат ва жамиятни бошқаришдаги иштироки кўламини кенгайтириш доирасида мамлакатимизда “давлат, фуқаролар ва фуқаролик жамияти институтларининг мамлакатни янада жадал ва ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатларини бирлаштирувчи замонавий шаклдаги тизимли ҳамда самарали мулоқотини йўлга қўйиш ҳамда уларнинг ижтимоий манфаатлари келишилишини таъминлаш”¹ вазифалари белгиланган. Бу эса, мазкур

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. //Халқ сўзи, 25 январь 2020 йил, 19 (7521)

соҳадаги халқаро тажрибани чуқур ўрганиш, мамлакатимизда давлат ҳокимиятининг вакиллик органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ҳамкорлиги механизмларини такомиллаштириш усулларини тадқиқ этиш долзарблигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2018 йил 4 майдаги ПФ-5430-сон “Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4473-сон “Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ислохотлар устидан жамоатчилик назорати самарадорлигини, шунингдек, фуқароларнинг демократик ўзгартиришлардаги фаоллигини оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2019 йил 30 октябрдаги ПҚ-4501-сон “Фуқаролик жамиятини ривожлантириш маркази фаолиятини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ва соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган устувор вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, миллий иқтисодиётни модернизациялаш ва либераллаштиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи². Жамиятни модернизациялаш механизм ва технологиялари масалалари бўйича жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Department of Political Science at the New York University, Department of Political Science at the University of Wisconsin, Stanford University, Center for the study of Democracy of the University of California, Ohio State University, Columbia University (AQSH), Institute for the Study of Civil Society (Civitas) (Буюк Британия), School for Advanced Studies in the Social Sciences in Paris (Франция), Berlin Civil Society Center, Universität Mannheim, Ludwig-Maximilians-Universität München (Германия), University of Palermo, Center on Social Movement Studies (Италия), Wageningen University (Нидерландия), Norwegian Institute for Social Research (Норвегия), The China Research Center (Хитой) Centre for Civil Society (Ҳиндистон).

Вакиллик ҳокимияти ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлиги бўйича олиб борилган тадқиқотлар маҳсули сифатида қатор, жумладан, куйидаги илмий натижалар олинган: вакиллик ҳокимияти ва фуқаролик

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: www.nyu.edu, www.wisc.edu, www.democracy.uci.edu, www.osu.edu, www.unipa.it, www.columbia.edu, www.unipage.net, www.uni-mannheim.de, www.ehess.fr/fr, www.socialresearch.no; www.ccs.in; www.igh.ru; www.iphras.ru; www.igpran.ru; www.civilfund.ru; www.eprcstrath.eu/; www.riss.ru/.

жамияти муносабатларининг тарихий ва замонавий хусусиятлари сиёсий жихатдан ўрганилган (Ohio State University, АҚШ); вакиллик ҳокимиятининг жамиятни тараққий эттиришдаги функционал вазифалари тадқиқ этилган (Indiana University, Columbia University, АҚШ); вакиллик ҳокимияти органлари фуқароларнинг сиёсий қарорлар қабул қилишдаги иштироки масалалари бўйича тизимли тадқиқотлар ўтказилган (Ludwig-Maximilians-Universität München (Германия); вакиллик демократияси ва фуқаролик жамияти ҳамкорлиги бўйича сиёсий-таҳлилий ҳужжатлар ишлаб чиқилган (University of Cambridge, University of Leeds, Буюк Британия); Марказий Осиёда замонавий ҳуқуқий давлатнинг шаклланиши ва ривожланиши жараёнларига оид тадқиқотлар олиб борилган (Central Asia-Caucasus Institute, Johns Hopkins University, АҚШ).

Бугунги кунда вакиллик органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлигини кўчайтириш, давлат ва жамият институтлари ўртасидаги ижтимоий шерикликни ривожлантириш, шу билан биргаликда жамият аҳамиятига молик сиёсий қарорларни қабул қилишда фуқаролар иштирокини оширишга қаратилган тизимли тадқиқотлар олиб борилмоқда (Россия Фанлар академиясининг Социология институти, Фуқаролик жамияти ривожланиши фонди, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустқил институти).

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жамият тараққиётини таъминлашда вакиллик ҳокимияти ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлиги мавзусидаги тадқиқотга Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг асарлари³, мамлакатимиз ҳаётининг янги босқичини бошлаб берган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистонни барқарор ва изчил ривожлантиришга оид концептуал ғоялари илмий-методологик асос бўлиб хизмат қилди⁴.

Ушбу мавзуда ўрта асрларда Н.Макиавелли, Г.Боден, Т.Гоббс, Ж.Локк, Ш.Монтескье, Ж.Ж.Руссо, М.Вебер, И.Кант асарларида давлат ва жамият муносабатларига доир сиёсий қарашлар такомиллаштирилган. Шунингдек, XIX-XXI асрларга келиб Америка, Европа илмий мактаблари вакиллари: Сэмюэл Хантингтон, Френсис Фукуяма, Бернард Манен, Эндрю Рефелд, Роке Далтон, Надя Урбинати, Бенжамин Барбер, Николая Кондорсе, Жозеф Сиеес, Ален де Бенуа, Пьер Бурдьё, Эмиль Дюркгейм, Пьер Розанваллон, Фридрих Ницше, Макс Вебер, Ульрих Бек, Юрген Хабермас, Диори Кастиглионе, Делла Порта, рус илмий мактаби вакиллари: А. Магун, В.Е. Чиркин, В.И. Фадеев⁵ каби олимлар вакиллик ҳокимияти соҳасида илмий тадқиқотлар олиб борганлар.

³ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997; Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. 12-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2004.

⁴ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2017

⁵ Samuel P. Huntington. Political Order in Changing Societies Yale University Press, 2008. –P.488; Fukuyama, Francis. The origins of political order: from prehuman times to the French Revolution I st ed.

Ўзбекистонлик олимлар томонидан ҳам мазкур йўналишда салмоқли ишлар амалга оширилган. Жумладан, давлат ҳокимиятини модернизациялаш йўналишлари, вакиллик ҳокимияти ва фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожланиши масалалари И.Эргашев, Ш.Пахрутдинов, Н.Жўраев, У.Идиоров, М.Қирғизбоев, А.Жалилов, Ф.Жўрақулов тадқиқотларида ёритилган⁶.

Сиёсатшунос олим И.Эргашев жамиятни либераллаштириш жараёнида вакиллик органлари ва фуқаролик жамияти институтлари шаклланиши омилларини кўрсатиб берган. Демократия моделлари хилма хиллиги, миллийлик ва умуминсонийлик принципларининг фуқаролик жамияти ривожига аҳамиятини очиқ беради. Н.Жўраев янгиланишлар концепцияси нуқтаи назаридан давлат ҳокимиятининг шаклланиши ва фуқаролик жамияти эволюциясинининг ўзаро боғлиқлигини сиёсий таҳлил этади, Ф.Жўрақулов Ўзбекистонда давлат ҳокимияти органларини модернизациялаш истиқболлари доирасида вакиллик ҳокимияти ва фуқаролик жамияти таракқиёти омилларини тадқиқ этган.

Ҳуқуқшунос олим А.Раҳманов Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг умумбашарий мазмуни ва миллий-тарихий хусусиятларига асосий эътиборни қаратган бўлса, М.Тўрақулов маҳаллий ҳокимият юксалишида демократик институтларнинг алоҳида ўрнини, А.Дадашева ҳокимиятнинг қўйи вакиллик органлари генезисини, Ш.Якубов давлат ва фуқаролик жамияти институтлари муносабатларини, А.Маҳмудов маҳаллий вакиллик органлари назорат функцияларини тадқиқ этганлар⁷.

2011. -P.587; Bernard Manin (1997) *The Principles of Representative Government*.-P. 232. Cambridge: Cambridge University Press.; Barber B. *Participatory democracy / The encyclopedia of democracy: 4 Vol. / S.M. Lipset (ed.)*. – Vol. 3. – Washington, D.C.: Congressional Quarterly, 1995. –P.923; Beate Kohler-Koch. Representation, representativeness, and accountability in EU-civil society relations. Mannheim, March 6-8, 2008.; Bernard Manin (1997) *The Principles of Representative Government*.-P. 232. Cambridge: Cambridge University Press; Castiglione D., Warren M.E. A New ecology of democratic representation? Eight theoretical issues // *InTrasformazione: Rivista di storia delle idee*. – Palermo, 2013. – N 2; Chandler D. Democracy unbound? Non-linear politics and the politicization of everyday life // *European journal of social theory*. – L., 2014. – Vol. 17, N 1; Della Porta D., Diani M. *Social movements: An introduction*. – Oxford: Basil Blackwell, 1999; Dryzek J. *Deliberative democracy and beyond: Liberals, critics, contestations*. – N.Y.: Oxford univ. press, 2000. – VII; Н. Pitkin. *Representation*– N.Y., NY: Atherton press, 1969; Habermas J. *Fatti e norme: contributi a una teoria discorsiva del diritto e della democrazia*.– Milano: Guerini Associati, 1996; Landmore H. Is representative democracy really democratic? Interview of Bernard Manin and Nadia Urbinati. – N.Y., Apr. 10, 2007; Nadia Urbinati. Condorcet’s Democratic Theory of Representative Government. *European Journal of Political Theory* January 2004; Norris P. *Democratic phoenix: Reinventing political activism*. – Cambridge: Cambridge univ. press, 2002.-P.290; Urbinati N. *Representative democracy: Principles and genealogy*. – Chicago: Univ. of Chicago press, 2006; Анкерсмит Ф. Политическая репрезентация. – М.: Изд. дом Высшей школы экономики, 2012; Бенуа де А. Против либерализма. К четвертой политической теории. СПб.: 2009; Бурдые П. Социология социального пространства. М.: СПб.: 2005; Карасев, А.Т. Представительная власть в Российской Федерации: актуальные вопросы теории и практики [Электронный ресурс]: сб. статей / А.Т. Карасев.— М.: Проспект, 2018; Магун А. Революция и кризис репрезентации // *Логос*. -М.: 2012. – № 2

⁶Ушбу олимлар илмий ишлари диссертациянинг “Фойдаланилган адабиётлар рўйхати” қисмида келтирилган.

⁷Адабиётлар диссертациянинг “Фойдаланилган адабиётлар рўйхати” қисмида келтирилган.

Ушбу тадқиқот иши улардан фарқли ўлароқ, вакиллик ҳокимияти органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлиги масалалари, уларнинг шаклланиш тарихи, ўзаро муносабатлари таҳлили ва сиёсий-ҳуқуқий асосларини тадқиқ этишга ҳамда уларнинг ҳамкорлигини кучайтириш механизмларини ишлаб чиқишга бағишланади. Шунингдек, вакиллик ҳокимияти ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигининг жамият тараққиётидаги ўрни ва роли кўрсатиб берилади.

Вакиллик ҳокимияти органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлиги масаласи сиёсий фанлар нуқтаи назаридан яхлит тадқиқот сифатида ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш” банди доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади жамиятда демократик ривожланиш жараёнларини жадаллаштириш ва барқарор тараққиётни таъминлашда вакиллик ҳокимияти ва фуқаролик жамияти институтларининг самарали ҳамкорлик механизмларини такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари куйидагилардан иборат:

фуқаролик жамияти институтларининг давр эҳтиёжларидан келиб чиқиб трансформациялашуви ва ўзида янги жиҳатларни намоён қила бошлаганлиги масаласига доир назарий қарашларни таҳлил этиш;

вакиллик ҳокимияти фаолиятини такомиллаштиришга доир замонавий концепцияларни таҳлил қилиш;

вакиллик ҳокимияти органлари фаолияти замонавийлашувининг давлат бошқаруви тизимидаги аҳамиятини ёритиш;

Ўзбекистон Республикасида вакиллик ҳокимияти органлари билан фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлиги амалга оширилишининг бугунги кундаги ўзига хос хусусиятлари ва стратегик йўналишларини тадқиқ қилиш;

маҳаллий вакиллик органлари фаолиятида нодавлат нотижорат ташкилотлари билан алоқаларнинг етакчи векторларини асослаш;

фуқаролик жамияти билан вакиллик ҳокимияти органлари ўртасида самарали ҳамкорликни амалга оширишнинг замонавий демократик механизмлари билан боғлиқ масалаларни тадқиқ этиш;

миллий манфаатларимиздан келиб чиққан ҳолда вакиллик ҳокимияти органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигининг истиқболлари ҳусусида илмий хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объектини фуқаролик жамияти институтлари ва вакиллик ҳокимияти органлари фаолиятини жамият тараққиёти эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда янада ривожлантириш жараёнлари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг предмети давр талабидан келиб чиқиб, миллий манфаатларимизни рўёбга чиқариш мақсадида фуқаролик жамияти институтлари билан вакиллик ҳокимияти органлари ҳамкорлигининг натижавийлигини ошириш механизмларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда эмпирик, тарихийлик, компровистик, тизимлилик, рационал танқидий каби усуллардан кенг фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

вакиллик ҳокимияти ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлиги динамик (ўзгарувчан) ҳолатда бўлиб, йўналишлари, соҳалари давр талабига, жамиятнинг барқарор тараққиёт стратегиясига ва давлатнинг миллий манфаатларига бевосита боғлиқ эканлиги асосланган;

вакиллик ҳокимияти ва фуқаролик жамияти институтларининг ҳамкорлиги нафақат ички сиёсий жараёнларда, балки ушбу субъектларнинг давлатлараро ижтимоий, иқтисодий ва маданий интеграцияси учун амалий таъсири жамият тараққиётини таъминлашда ўта муҳим омил эканлиги очиб берилган;

фуқаролик жамияти институтларининг бир томонидан эркин фаолиятини сақлаб қолган ҳолда, иккинчи томонидан маълум бир даврда (ўтиш даврига хос) давлат томонидан қўллаб-қувватлаш (мақомини ошириш, молиявий қўллаб-қувватлаш, ижро ҳокимияти органлари билан самарали муносабатларини қонуний белгилаб қўйиш ва ҳ.к.) чораларини кўриш жамиятнинг барқарор тараққиётини жадаллаштиришда муҳим ўрин тутиши асосланган;

нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш ва уларнинг вакиллик органлари томонидан қарорлар қабул қилиш жараёнида ижтимоий манфаатларни ифодаловчи ва амалиётга тадбиқ этиш учун фаол таъсир ўтказувчи омилга айлантиришнинг зарурати асосланиб, жорий этиш механизмлари бўйича хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

вакиллик органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлиги давлат ва жамият ўртасидаги ижтимоий шерикликнинг кафолатли таъминловчи манба бўлиши билан бир қаторда, қарорлар қабул қилиш жараёнида ижтимоий хатоларнинг олдини олишнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилиши асосланган;

Қорақалпоғистон Республикасида вакиллик органлари билан фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги жамият тараққиётини таъминлашга қаратилган муносабатлар эволюциясининг сиёсий характери, замонавий талаблари ва ижтимоий хусусиятлари очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

мамлакатда вакиллик ҳокимияти ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигини кучайтириш борасидаги оптимал механизмлар ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

давлат ҳокимияти вакиллик органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ҳамкорликдаги фаолиятини ривожлантириш, давлат ва

жамият бошқарувидаги демократик ўзгартиришларда фуқаролар иштирокини ошириш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги халқаро ва республика миқёсидаги илмий-амалий конференцияларда муҳокама этилиб, тўпламларда нашр этилганлиги, ОАК рўйхатидаги махсус илмий-назарий журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, нашр этилган монография, хулоса ва таклифларнинг мутасадди ташкилотлар томонидан амалиётга жорий этилгани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти сиёсий фанлар – кратология, партология, сиёсий менежмент, сиёсий социология фанларига доир мавзуларни бойитади, шунингдек, олий ўқув юртларида ўқитилаётган – “Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси. Фуқаролик жамияти”, “Ўзбек давлатчилигининг тараққиёт босқичлари”, “Миллий ғоя тарғиботи технологияси”, “Ижтимоий фалсафа”, “Хуқуқшунослик” фанлари бўйича ўқув қўлланма, дарслик, услубий тавсиялар тайёрлаш, шунингдек, давлат бошқаруви органлари ходимларини тайёрлайдиган, жамоат ташкилотлари фаоллари малакасини оширадиган академия ва бошқа ўқув курсларида ташкил этиладиган ўқишларда, семинарларда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти парламент, маҳаллий вакиллик ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, сиёсий партиялар, нодавлат ташкилотлар, касаба уюшмалари, ижтимоий ҳаракатлар, жамоат бирлашмалари ва фондлар фаолиятининг самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи қўлланма вазифасини бажариши мумкинлигида кўринади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Жамият тараққиётини таъминлашда вакиллик ҳокимияти органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигини кучайтирига оид илмий хулоса ва таклифларнинг амалиётга жорий этилганлиги бўйича қуйидаги тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилган:

қонунчилик, қарорлар ишлаб чиқишда ва ўзгатиришлар киритиш масалалари бўйича маслаҳатлашувлар жараёни, шунингдек нодавлат нотижорат ташкилотларининг жамият аҳамиятига молик қарорларни қабул қилиш жараёнидаги иштироки натижалари тўғрисида жамоатчиликни доимий хабардор қилиб бориш юзасидан диссертация ишида келтирилган илмий хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларининг тегишли бандларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Суд-хуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш масалалари қўмитаси 2020 йил 20 сентябрдаги 22-сон маълумотномаси). Натижада мазкур илмий хулосалар қонун ҳужжатлари мукамаллашишига муайян даражада хизмат қилган;

хамкорликнинг шаффофлигини таъминлаш мақсадида халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари фуқаролар, оммавий ахборот воситалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан жамоатчилик назоратининг Интернетда ҳамкорлик — коллаборация (вазиятдан келиб чиқиб, ўзаро ҳамкорликдаги ҳаракатлар) шаклида ишлаш тизимини йўлга қўйиш таклифи Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш масалалари қўмитаси томонидан коррупцияга қарши кўрашиш борасидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларининг тегишли бандларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш масалалари қўмитасининг 2020 йил 20 октябрдаги 22-сон далолатномаси). Мазкур илмий-назарий хулоса бугунги кунда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ҳудудий вакиллик ҳокимиятини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган;

хокимларнинг ижро масъулиятини ошириш мақсадида «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қорақалпоғистон Республикаси Қонуни 22¹-моддаси учинчи хатбошида “халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгаши депутатлари” деган жумлалар ўрнига “Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутатлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши” деб ўзгартириш киритишга оид хулосалардан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Қонунийлик, суд-ҳуқуқ ва коррупцияга қарши курашиш масалалари қўмитаси томонидан қабул қилинган ва амалиётга тадбиқ этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси 2020 йил 18 августдаги 25-11/2020-сон далолатномаси). Мазкур назарий хулосалар асосида «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қорақалпоғистон Республикаси Қонуни 22¹-моддаси учинчи хатбошига ўзгартиришлар киритилган. Натижада туман ва шаҳар ҳокими ҳисоботини эшитишга халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгаши депутатлари ўрнига Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутатлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши вакиллари таклиф қилиниши йўлга қўйилган;

Қорақалпоғистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги томонидан ҳудудда олиб борилаётган ислохотлар, қабул қилиниши кутилаётган қарорлар ва бошқа янгиликлар бўйича фуқаролар учун қўлланмалар, брошюралар тайёрлаш ёки бошқа офлайн ва онлайн воситалари орқали тарқатиш, давлат хизматчилари учун тренинглар ва фуқаролик жамияти институтлари аъзолари учун йўл хариталари, тадбир дастурлари ишлаб чиқишда фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги 2020 йил 15 июлдаги 01-01-01/162-сон далолатномаси). Натижада хулоса аҳолини хабардор қилиш механизмларини такомиллаштиришга хизмат қилган;

маҳаллий давлат ҳокимияти ва ўзини ўзи бошқариш органлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг маълумотлар базалари зарур ахборот

билан доимий тўлдирилиб борилиши ва унга фуқаролар эркин кира олиш имкониятини яратишга оид таклифлар ЎзЛиДеП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши томонидан қабул қилиниб, тегишли соҳалар норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг маълумотлар базасини шакллантиришда ва фуқароларни зарурий ахборотлар билан таъминлаш механизмларини ишлаб чиқишда фойдаланилган. (ЎзЛиДеП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши 2020 йил 18 августдаги 01-31/122-сон далолатномаси) Мазкур таклиф ушбу йўналишдаги фаолият самарадорлигини оширишда ҳисса қўшган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро, 4 та республика илмий-назарий ва илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик (DSc) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола (улардан 10 таси республика, 2 таси хорижий журналларда) эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, ўн икки параграфни ўз таркибига олувчи тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловалардан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 265 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, мавзунинг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, унинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, тадқиқот усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилинганлиги, апробацияси, натижаларининг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Вакиллик ҳокимияти ва фуқаролик жамияти институтлари фаолиятида ўзаро ҳамкорликни таъминлашнинг демократик механизмлари”** деб номланган биринчи бобида “вакиллик ҳокимияти” тушунчасининг мазмуни ва моҳияти, унинг вужудга келиши, моделлари, механизмлари ўрганилган, бу борадаги тадқиқотлар таҳлил қилинган. Вакиллик ҳокимият тўғрисидаги замонавий концепцияларга алоҳида эътибор қаратилган.

Вакиллик ҳокимияти ўрта асрлар Европасида пайдо бўлгани ва ривож топгани ҳақида илмий манбалар келтирилган. Европада дастлаб

парламентлар йиғилишларини монархлар, биринчи навбатда, қирол хазинасига солиқларни тўлаш учун чақиришган. Асл парламент одамлар ва тенг ҳуқуқли етакчилардан ҳоли эди, у қиролликнинг мулки бўлиб, зодагонлар, руҳонийлар, ер эгалари ва шаҳар ҳокимияти вакиллари катнашарди. Илк парламент йиғилишларида даромад олиш усуллари ва воситалари ҳақида гаплашилган ("парламент" атамаси шундан келиб чиққан).

Ўрта асрларда давлат қонунчилиги асосан шартнома тамойиллари асосига қурила бошланди. Диний ва дунёвий ҳамжамиятлар — вакиллик фуқаролик қонунлари билан тартибга солиниши керак, деган хулосага келишди. Бу хулоса немис профессори Отто фон Гирке таъкидлаганидек, “ҳар қандай сиёсий ҳокимиятга бўйсунувчи ҳамжамиятнинг муқаррар равишда "вакили" бўлиши керак” деган ғоя билан мутаносиб эди.

XVII аср охиридан бошлаб XIX асрга қадар парламентаризм ғоялари шаклланиб, ҳокимиятни ажратиш доктринаси ишлаб чиқилганида, парламентга қонун чиқарувчи ҳокимият сифатида алоҳида ўрин берилди. Бундан ташқари, ўша пайтда ҳам вакиллик органлари халқнинг иродасини ифода этиши, қонунчилик фаолияти эса сайловчиларнинг оммавий иродаси билан боғлиқ, деган хулосага келинган эди. Ҳатто, Ж.Локк таъкидлаганидек, “Қонун чиқарувчи ҳокимият, албатта, энг олий ҳокимият бўлиши керак ва дунёдаги жамиятларнинг бошқа ҳокимиятлари ёки ҳар қандай аъзоси унга бўйсунмади”.

Америкалик олим Бернар Маненнинг “Вакиллик бошқаруви тамойиллари” китобида вакиллик ҳокимиятининг тўртта принципи кўрсатиб ўтилган:

бошқарувчилар мунтазам равишда вақти-вақти билан сайлов орқали сайланади;

вакиллар ўз фаолияти давомида сиёсий қарорлар қабул қилишда муайян эркинликни сақлаб қолишади;

бошқарувчилардан мустақил равишда бошқарилаётганлар ҳам ўзларининг фикрлари ва сиёсий манфаатларини ифода этишлари мумкин; қарорлар баҳс-мунозаралар орқали синовдан ўтказилади.

Француз олимлари Монтескье вакилликни демократиядан ва Руссо вакилликни суверенитетдан ажратган. Монтескьенинг таъкидлашича, одамлар ўзларининг “суверенитет ҳуқуқи”ни бошқаларга берган давлат демократик бўла олмайди ва уларни аслида аралаш ҳукумат ва аристократия, деб таснифлаш керак. Руссо бундай давлатни бошидан сиёсий бўлмаган ва ноқонуний, деб билади, чунки одамлар сиёсий эркинлиги ва қонунлар бўйича тўғридан-тўғри овоз бериш ҳуқуқидан маҳрум бўлишди: агар барча фуқаролар қонун чиқарувчи бўлмасалар, унда умуман фуқаролар йўқ. Иккала ҳолатда ҳам демократия ва суверенитет вакилликни истисно қилади.

Вакиллик ҳокимиятининг замонавий назариётчилари бир нечта илғор илмий мактабларга ажратилди. Булар Америка илмий мактаби вакиллари: С.Хантингтон, Б.Манен, Э.Рефелд, Р.Далтон, Н.Урбинати, Б.Барбер, француз илмий мактаби вакиллари: Н.Кондорсе, Ж.Сиеес, А.Бенуа, П.Бурдьё,

Э.Дюркгейм, П.Розанваллон, немис илмий мактаби вакиллари: Ф.Ницше, М.Вебер, У.Бек, Ю.Хабермас, италян илмий мактаби вакиллари: Д.Кастиглионе, Д.Порта, рус илмий мактаби вакиллари А.Магун, В.Е.Чиркин, В.И. Фадеев, каби олимлардир.

Ушбу илмий мактабларнинг вакиллик ҳокимияти борасидаги тадқиқотларнинг алоҳида жиҳатларига эътибор қаратилди. Америка илмий мактаби назариётчилари вакиллик ҳокимияти ва унинг тарихий ҳамда замонавий жиҳатлари, шунингдек, вакилликнинг ижобий ва салбий оқибатлари борасида йирик тадқиқотларни амалга оширишган. Америка илмий мактаби назариётчилари қарашларида “вакиллик демократияси” ва “тўғридан-тўғри демократия” ғоялари ўртасида кескин баҳс кетади.

Француз илмий мактаби назариётчилари вакиллик ҳокимиятини демократлаштиришга имкон берадиган процедуралар ва институционал механизмларни ишлаб чиққан. Яъни, вакиллик, иштирок этиш ва амалга ошириш ўртасидаги қутблашишни енгиб, замонавий демократик жамиятда қарорларни қабул қилишни ташкил этувчи сиёсий ҳаракатлар билан боғлиқ фикрларни шакллантира олган.

Италиялик олимларнинг ёндашувларига мувофиқ, вакиллар ва унинг сайловчилари ўртасида “вакиллик бошқарув шаклидаги қонунчилик ҳокимиятининг муҳим хусусияти сифатида кўриладиган институционал муносабатлар” кўрсатиб берилган. Бу билан сиёсий вакилликнинг институтлашиш жараёни содир бўлишини асослаб беришган. Фуқароларнинг сиёсий мустақил шахслар сифатида вакилларга айрим ваколатларни бериш орқали уларни бошқариш ҳуқуқига эга бўлиши билан замонавий демократия вакиллик модели шакллантирилган.

Немис илмий мактаби назариётчилари вакиллик ҳокимиятининг салбий жиҳатларини ҳам илмий асослашга ҳаракат қилишган. Уларнинг фикрича, сайланган вакиллар умуминсоний қадриятларни ўзларининг эҳтиёжларига мослаштиради, бирор бир масала юзасидан яқдил қарор чиқаришга рамзий “мажбурлаш” ва коллектив ҳақиқатни монополлаштириш ҳуқуқини қўлга киритади. Сиёсий вакиллар Эркинлик, Демократия, Инсон ҳуқуқлари ва бошқа шу каби тушунчаларни ўзларнинг эҳтиёжларига мослаштирадиганлар ва шу тариқа “халққа хизмат қилиш” (ministerium) тушунчаси “ҳукмронлик қилиш”га айланади, дея ўз қарашларини илгари сурганлар.

Рус олимлари ҳам ҳокимиятнинг вакиллик табиатини тушуниш, вакиллик институтларининг замонавий хусусиятлар борасидаги ёндашувларга эга.

Сиёсий назарияда Ғарб вакиллик тизими ривожининг турли босқичларида ишлаб чиқилган Ишончли вакил модели, Ишончли вакилнинг делегат модели, мандат модели каби бир қатор меъёрий моделлар таҳлил этилди.

Вакиллик ҳокимияти фаолиятининг негизига назар ташлайдиган бўлсак, вакиллик — бошқарувни, қонунлар ва қарорлар қабул қилишни маслаҳатлашув асосида амалга оширишга қаратилган сиёсий тартибдир.

Чунки, парламентда халқнинг вакиллари маслаҳатлашуви асосида иш юритилади, халқ вакиллари эса ўз сайловчилари билан мунтазам маслаҳатлашувлар ўтказди ва уларнинг фикрларини, таклифларини маҳаллий ва олий вакиллик органларига етказди. Бу тартиб-таомил Шарқ заминида ҳукм сурган давлатчиликлар тарихида мавжуд бўлиб, ҳанузгача сақланиб келинмоқда. Шундан келиб чиқан ҳолда бу ҳақда мутафаккирлар Абу Наср Форобий, Абу Райхон Беруний, Абу Али Ҳасан ибн Али Тусий-Низомулмулк, Амир Темурлар, Алишер Навоийнинг вакилликнинг Шарқона талқини борасидаги фикрлари таҳлил этилди.

Мамлакатимизда вакиллик ҳокимияти ва фуқаролик жамияти институтларининг ҳамкорлиги яхлит тадқиқот сифатида ўрганилмаган. Олимларимиз бу мавзу доирасида муайян фикрларни билдириб ўтганлар, фақатгина айрим ҳуқуқшунос тадқиқотчилар томонидан давлат ва фуқаролик жамияти муносабатлари бўйича изланишлар олиб борилган.

Вакиллик ҳокимияти ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигининг зарурати ва мақсади таҳлил этилди, голландиялик олим Франклин Анкерсмитнинг фикрича, вакиллик фуқароларни “маълум бир позицияга эга бўлишга” мажбур қилади, бошқа томондан, у “бизнинг шахсиятимизни шакллантиришга ҳисса қўшади”, “вакиллик, аслида, сиёсий фаолият тимсолидир, чунки бу фуқароларга сиёсат соҳасининг ичига кириш ва ижтимоий ҳамда сиёсий воқеликка хос бўлган “мутлақо бепарволик парадокси ва бетартибликни” енгиб ўтишга имкон беради.

Вакиллик унинг халқ (сайловчилар) олдида ўзларининг, умуман давлат ҳокимиятининг даражаси, ваколати ва ҳаракатлари учун жавобгарлигини белгилайди. Чунки ижро этувчи ва суд ҳокимияти қанчалик мустақил бўлмасин, улар қонунлар асосида ва уларни амалда бажариш мақсадида ташкил этилади ва ишлайди. Агар биз ижро ҳокимияти ўзи учун тартибга солувчи қоидаларни яратганига ва суд ҳокимияти жинойатчиликка қарши курашда кучсиз эканлигига гувоҳ бўлсак, бунинг учун энг аввало, қонун чиқарувчи ҳокимият жавобгар бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 майдаги “Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони⁸да бу соҳадаги муаммолар ҳам вакиллик ҳокимияти ва фуқаролик жамияти институтларининг ҳамкорлиги заруратини ифодалаши таъкидланади.

Диссертациянинг “**Ўзбекистон Республикасида вакиллик ҳокимияти ва фуқаролик жамияти институтларини шаклланишидаги эволюцион жараёнлар**” деб номланган иккинчи бобида вакиллик ҳокимияти органлари тизими, уларнинг функциялари ва ваколатлари, шунингдек, фуқаролик жамияти институтлари фаолияти шаклланиши ва ривожланишининг сиёсий-

⁸ «Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари миллий базаси»нинг веб-сайти – www.lex.uz.

хуқуқий асослари, вакиллик ҳокимияти органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигининг асосий йўналишлари ёритилди.

Вакиллик ҳокимияти органлари ва фуқаролик жамияти институтлари — давлат бошқарувида фуқаролар сиёсий иштирокининг конституциявий институтлари эканлиги кўрсатиб берилди. Шунингдек, икки институтнинг шаклланиши омиллари, функция ва ваколатлари, ҳамкорликнинг сиёсий-хуқуқий асослари ва асосий йўналишлари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1991 йил 31 августда бўлиб ўтган навбатдан ташқари сессиясида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”ги Қонуннинг⁹ 3-моддасида “Ўзбекистон Республикаси тўла давлат ҳокимиятига эга, ўзининг миллий давлат ва маъмурий-худудий тузилишини, ҳокимият ва бошқарув идоралари тизимини мустақил белгилайди”, деб қатъий белгилаб қўйилди. Қонуннинг ушбу нормаси собиқ тоталитар тузумдан қутулган Ўзбекистонда миллий давлат ҳокимиятини барпо этишнинг тамал тоши ва сиёсий-хуқуқий асоси ҳисобланади.

1992 йилнинг 8 декабрида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилиниши миллий давлатчилигимизнинг ривожини тубдан ўзгартириб, маъмурий-худудий ва давлат тузилиши, давлат ҳокимиятини ташкил этиш билан боғлиқ барча энг муҳим масалалар ҳал этилди. Конституциядан марказий давлат ҳокимияти билан бирга маҳаллий давлат ҳокимияти асосларига оид қатор нормалар ўрин олди. Бундан ташқари, вакиллик ҳокимияти органлари тизимини шакллантиришга қаратилган “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида” ги (1993 йил 2 сентябрда), “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги ва “Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига сайловлар тўғриси”ги (1994 йил 5 майда) Қонунлар ва бошқа ҳужжатлар қабул қилинди.

Ўзбекистондаги вакиллик тизими аниқлаштирилди, мамлакатимизда вакиллик органларининг уч бўғинли тизими кўрсатиб берилди. Булар:

юқори бўғин – Олий Мажлис палаталари;

ўрта бўғин – Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари;

қуйи бўғин – халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларидир.

Парламент палаталарининг вакиллик органлари тизимининг энг юқори бўғини — Олий Мажлис — мамлакатда бирдан бир олий вакиллик органидир. У қонун қабул қилиш функциясини ҳам амалга оширади. Шунинг ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, Қорақалпоғистон Республикасининг олий вакиллик органи бўлган Жўқорғи Кенгеси ҳам Ўзбекистон Республикасида қонун қабул қилиш функциясини бевосита амалга оширувчи орган ҳисобланади. Жўқорғи Кенгесда қабул қилинган қонунлар фақат Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида юридик кучга эга ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид бўлиши мумкин эмас.

⁹ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991 й., 11-сон, 246-модда. https://nrm.uz/contentf?doc=377125_1991_yil&products=1_vse_zakonodatelstvo_uzbekistana

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонунлари ўз навбатида Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида ҳам ўз юридик кучига эга ҳисобланади. Бу тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 72-моддасида қуйидагича белгиланган: “Ўзбекистон Республикаси қонунлари Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида ҳам мажбурийдир”¹⁰. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясининг 15-моддасида ҳам “Қорақалпоғистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикасининг Конституциялари ва қонунларининг устуңлиги сўзсиз тан олинади”, дея мустаҳкамланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари функциялари, маҳаллий вакиллик органларининг функциялари ажратиб кўрсатилган¹¹. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биргаликдаги ваколатлари, маҳаллий ҳокимият органлари ваколатлари кўрсатиб берилди¹².

Ўзбекистон Конституцияси ва қонунчилигида фуқаролар, фуқаролик жамияти институтларининг демократик ўзгартиришлардаги иштирокини таъминлаш мезонлари мустаҳкамлаб қўйилди. Жамиятда фуқаро, сиёсий институтлар, ижтимоий гуруҳ ва қатламларнинг ривожланишига эътибор қаратилди. Сиёсий қарорлар қабул қилишда ва давлат бошқарувида фуқаролар иштирокининг ҳуқуқий, сиёсий механизмлари таъминланди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси жамият бошқарувида фуқаролар, фуқаролик жамияти институтларининг иштирокини кенгайтириш кафолати бўлди.

Президентимизнинг 2018 йил 4 майдаги “Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони¹³ қабул қилинди. Мазкур Фармон билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгаши ташкил этилди¹⁴. Мазкур Маслаҳат кенгашининг асосий вазифаларидан бири сифатида давлат ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг тизимли мулоқотини йўлга қўйиш, фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг миллий моделини шакллантириш ва давлат органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлиги механизмларини, шунингдек, бундай ҳамкорлик даражасини баҳоловчи кўрсаткичларни ишлаб чиқиш белгиланган

Давлат ҳокимияти ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ҳамкорликнинг қуйидаги иккита асосий шакли ажратиб кўрсатилди:

• биринчиси, давлат ҳокимияти томонидан фуқаролик жамияти институтларига таъсир ўтказиш шакли;

¹⁰ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2019. 24 –Б.

¹¹ Ўжа жойда. –Б.27-29.

¹² Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 05.09.2019 й., 03/19/563/3685-сон. <https://lex.uz/docs/51961?ONDATE=05.09.2019>

¹³ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2018. – № 18. 360-модда https://lex.uz/pages/forpda.aspx?lact_id=2202293

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2018. – № 18. 360-модда. https://lex.uz/pages/forpda.aspx?lact_id=2202293

• иккинчиси, фуқаролик жамияти институтларининг давлат органларига таъсир ўтказиш шакли.

Замонавий тараққиёт босқичида давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ўзаро ҳамкорлигининг шакллари таҳлил қилинган. Вакиллик ҳокимияти ва фуқаролик жамияти ҳамкорлигининг учта модели келтирилган, булар: ўзаро ҳамкорлик модели, ҳамкорликни инкор этиш модели, конфронтация модели.

Бозор муносабатлари шароитида ранг-баранг ижтимоий муаммолар юзага келверади, аммо уларнинг ечимини ҳукумат ҳамиша ҳам ўз вақтида ҳал этавермайди. Бошқача айтганда, бундай муаммоларни ҳукумат ўз вақтида пайқаш имкониятига эга эмас. Бундай шароитда фуқаролик жамияти институтлари ёрдамга келади.

Демократик жамиятда фуқаролар манфаатлари ва талабларини тўлиқ кондиришга ҳаракат қилинади. Аммо эркин бозор шароитида манфаатларнинг тури шунчалик кўпайиб кетадики, ҳокимият уларнинг барчаси ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўла олмайди. Бундай шароитда фуқаролик жамияти институтлари фуқароларнинг энг долзарб талаб ва эҳтиёжлари ҳақида ҳокимиятни ўз вақтида огоҳлантириб туриши лозим.

Ўзбекистонда давлат ҳокимияти ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигини самарали ташкил этиш, унинг ҳуқуқий асосларини замонавий ёндашувлар, инновацион ғоялар асосида ривожлантириш долзарб аҳамиятга эга.

Вакиллик ҳокимияти органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги жонли ва узлуксиз ҳамкорлик амалий жиҳатдан қонунчиликда назардан тутилган ваколатлари доирасида йўлга қўйиб келинмоқда. Бу икки институтлар ўртасидаги ҳамкорлик муносабатлари асосан иккита йўналишда намоён бўлади:

биринчиси, вакиллик ҳокимияти органларининг қонунчиликда белгиланган функциялари, ваколатлари ва ҳуқуқлари нуқтаи назаридан;

иккинчиси, фуқаролик жамияти институтларининг қонунчиликда белгиланган функциялари, ваколатлари ва ҳуқуқлари нуқтаи назаридан.

Вакиллик ҳокимияти органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлиги йўналишларининг қонунчиликда белгиланган функция ва ваколатларидан келиб чиққан ҳолда ҳамкорлик даражаси ва кўлами жамият тараққиёти талабларига жавоб бермайди. Мамлакат қонунчилигида вакиллик ҳокимияти ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигининг нормалари етарлича белгилаб берилди.

Диссертациянинг **“Ўзбекистон Республикасида фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг давлат бошқарувидаги ролини ошириш борасидаги замонавий давлат сиёсатини амалга оширилиши”** деб номланган учинчи бобида вакиллик ҳокимияти органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлиги борасидаги мавжуд муаммолар, шунингдек, маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари ва нодавлат нотажорат ташкилотларининг ўзаро муносабатлари, вакиллик ҳокимияти ва

фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлиги борасидаги хорижий тажрибалар таҳлил этилди.

Давлат ҳокимияти тармоқларида муҳим ўринни эгалловчи вакиллик ҳокимияти органлари фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлиги яхши бўлса, фуқаролар билан боғлиқ кўплаб муаммоларни қонуний тартибда ҳал этиш имконияти мавжуд бўлади.

Ўтган ўттиз йилга яқин вақт мобайнида мамлакатимизда давлат бошқарувининг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатларини шакллантиришга катта эътибор қаратилди, аммо, фуқароларнинг сиёсий онги, сиёсий маданияти, сиёсий фаоллигини ошириш борасида фундаментал ислохотлар ўтказилмади. Бу эса, жамиятда давлат ҳокимияти органлари ва фуқаролар ўртасидаги катта узилишларга ва муаммоларга сабаб бўлди. Шу боисдан вакиллик ҳокимияти органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ҳамкорлик ҳолати талаб даражасида эмас.

Вакиллик ҳокимияти ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлиги борасида муаммолар турли йўналишларда таҳлил этилди:

вакиллик ҳокимияти органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликни кучайтириш борасидаги ташаббускорлиги заифлиги;
сиёсий партиялар ва нодавлат ноижорат ташкилотларининг нофаоллиги;

жамият бошқаруви соҳасидаги кадрлар етишмаслиги;

ҳамкорлик борасидаги ҳуқуқий механизмларнинг етарли эмаслиги.

Бир жиҳатни алоҳида таъкидлаш лозим, маҳаллий вакиллик органлари қачонки, ўз ваколатлари доирасидаги вазифаларни тўлақонли бажарсагина фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликка зарурат сезади. Агар ўз ваколати доирасидаги фаолияти қониқарли даражада бўлмаса, улар фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлик қилиш борасида бош ҳам қотиришмайди.

Бугун маҳаллий бюджетни қабул қилиш, унинг ижроси назорати маҳаллий вакиллик органлари ваколатларига кирса-да, ҳудудларда бюджет ижроси ҳар чорақда кўриб чиқилмаяпти, натижада жойларда маҳаллий бюджетни ижро этишда, пул маблағларини мақсадли сарфлашда муаммолар юзага келмоқда. Ҳудудларда ҳокимларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим ва долзарб масалалари юзасидан ҳисоботларини эшитиш жараёнида, ҳокимлар фаолиятига баҳо беришда, уларнинг фаолиятини такомиллаштириш бўйича тавсиялар билдиришда — вакиллик ҳокимияти органларининг қатъияти ва ташаббускорлиги етарли эмас. Бу масалани ижобий ҳал қилиниши мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонуни 22¹- моддаси учунчи хатбошига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш лозим.

Бугунги кунда сиёсий партияларнинг электорат билан ишлаш методлари эскирган, ғоялар замон талабларига жавоб бермаяпти, мафкуравий дастаклари фуқароларни жалб қилишга заифлик қилмоқда. Партияларда кадрларнинг касбий тайёргарлиги масаласи талаб даражасида эмас.

Шунингдек, уларнинг тарғибот-ташвиқот йўналишдаги фаолиятини ҳам қониқарли, деб бўлмайди. Ҳатто маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳларининг ҳам фаолияти қониқарли эмас. Маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари тегишли давлат органи раҳбарининг ўз фаолияти юзасидан ҳисоботини ёки ахборотини халқ депутатлари Кенгашининг сессияларида эшитиш ҳақида таклифлар киритиш ҳуқуқидан деярли фойдаланмайди.

Фуқаролик жамияти институтларининг муҳим таркиби ҳисобланган нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолияти қониқарли даражада, деб бўлмайди. Жамиятда нодавлат нотижорат ташкилотлар ўртасида рақобат мавжуд эмас. Шу боисдан ҳудудлардаги нодавлат нотижорат ташкилотлар ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларнинг самарали амалга оширилишини таъминлай олмапти.

Мамлакатимизда демократик жамият қуриш, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш борасида йирик ислоҳотлар олиб борилаётган бир паллада жамият бошқаруви соҳасида кадрлар тайёрлаш тизими йўлга қўйилмаган. Жамият бошқаруви соҳасини ривожлантириш борасида мафкуравий ислоҳотлар ҳам олиб борилмаяпти. Бугунги кунда бирорта ёш жамият бошқаруви соҳасида ишлайман, нодавлат нотижорат ташкилоти тузаман, жамоат бирлашмасини бошқараман деган ният билан юргани йўқ. Барчаси давлат ҳокимияти тизимида ишлаш орзуси билан олий ўқув юртига киради.

Мақсадимиз демократик кадриятларни қарор топтириш, фуқаролик жамият институтлари фаолиятини ривожлантириш экан, бу соҳада кадрлаш тайёрлаш масаласида ҳам жиддий ислоҳотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Чунки, давлат ҳокимияти бошқаруви учун бериладиган таълим билан жамият бошқаруви соҳаси учун бериладиган таълимнинг фарқи бор. Бугунги кунда давлат бошқарувида фаолият кўрсатаётган раҳбарларни жамоат ташкилотлари бошқарувига тайинлашмоқда. Уларнинг бошқарув услубларидан дунёқараши ва руҳиятида ҳали фуқаролик жамиятига доир билим ва кўникмалар шаклланмаганлигини кўриш мумкин, зотан, бошқарув фаолиятида авторитар усуллар устуворлик қилаётгани ҳам бежизга эмас.

Қачонки, жамиятда вакиллик ҳокимияти органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлиги ривож топса, сиёсий қарорлар ҳаётий, қонунлар халқчил, бошқарув самарали бўлади.

Хорижий тадқиқотларда ҳам, маҳаллий тадқиқотларда ҳам яқдил ҳулосани кўришимиз мумкин, яъни бу икки институт муносабатлари моҳиятан жамиятда оқилона ва одилона бошқарувга эришиш ҳамда барқарор, фаровон ҳаёт қуришга қаратилган.

Фуқаролик жамияти институтлари орасида нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаоллиги демократик ўзгаришларда ўта муҳим аҳамият касб этади. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг орасида эса айнан фуқароларнинг ўз ташаббуси билан ташкил этилган нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолияти алоҳида аҳамиятга моликдир.

Бугунги кунда мамлакатимизда номи чиққан, таниқли нодавлат

ташкilotларнинг деярли ҳаммаси давлат ташаббуси билан ташкил этилган ташкilotлардир. Фуқароларнинг ўз ташаббуслари билан тузилган нодавлат ташкilotлар фаолияти ҳақида фуқаролар етарлича хабардор эмас. Аслида ўз ташаббуси билан жамиятдаги муайян аҳоли қатлами манфаатларини ҳимоя қилишни мақсад қилган ва шу йўналишда фаолият олиб бораётган нодавлат нотижорат ташкilotларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг вакиллик ҳокимияти органлари билан ҳамкорлигини кучайтириш муҳим аҳамиятга эга.

Фуқаролар ташаббуси билан ташкил этилган нодавлат нотижорат ташкilotларига қонунчилик, мавжуд имтиёзлар бирдек тааллуқли. Аммо, уларнинг қўшимча тарзда қонуности ҳужжатлар асосида қўллаб-қувватлаш талаб даражасида эмас.

Жамият ҳаётида маҳаллий вакиллик органлари ва нодавлат нотижорат ташкilotлари муносабатлари катта аҳамиятга эга. Вакиллик ҳокимиятининг энг қуйи бўғини бўлмиш маҳаллий вакиллик тизими ва фуқароларнинг ўз ташаббуслари билан ташкил этилган нодавлат нотижорат ташкilotлар жамиятдаги ижтимоий масалаларни тез илғаб олувчи ва моҳиятини тўлиқ англаш имкониятига эга бўлган институтлардир. Шу боисдан бу икки тизимнинг ривож топиши ва ўзаро ҳамкорлигининг шаклланиши демократик жамият тараққиётида муҳим рол ўйнайди.

Халқаро тажрибада давлат ҳокимияти органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ҳамкорлиги муайян ҳужжатлар, стратегик дастурлар ва шартномалар билан белгиланади. Хорижий тажрибани кузатадиган бўлсак, кўпгина мамлакатларда давлат ҳокимияти органлари, улар вакиллик ҳокимияти бўладими ёки ижро ҳокимияти бўладими, аввало, фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлиқнинг меъёрий асосларига таянилади. Вакиллик ҳокимияти ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ҳамкорлик бўйича ҳужжатлар қабул қилинишида муҳокамаларга, маслаҳатлашув ва мунозараларга кенг ўрин берилади. Ундан кейин эса унинг ижроси, масъулияти ва жавобгарлиги эътиборда тутилади. Чунки жамият аҳамиятига молик стратегиялар, қонунлар, дастурлар мунозара ва муҳокамалар асосида қабул қилиниши биринчидан, фуқароларнинг хабардорлик даражасини оширса, иккинчидан, ҳужжатнинг мукамаллашувини таъминлайди, учинчидан, ҳужжатнинг ижроси осон кечишига имконият яратади.

Халқаро тажрибада вакиллик ҳокимияти ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигига оид ҳужжатларнинг мазмуни икки мақсадга йўналтирилади:

- фуқароларнинг сиёсий ҳаётда иштирок этишларини фаоллаштириш;
- давлатнинг аҳолига айрим хизматлар кўрсатиш вазифасини қисман енгиллаштирадиган ҳамкорлик механизмларини яратиш.

Мамлакатимизда исталган соҳада бирор ҳужжат қабул қилинса, ўша соҳада асосий иш қилинди, деган хулосага келиб қолиш ҳолатлари кўп учрайди. Сабаби, бирор соҳани ривожланаётгани ҳақида гапирилганда қабул қилинган қонун, дастур ва шартномалар мавжудлиги билан ифодаланади.

Унинг ижроси, натижадорлиги таҳлиliga катта урғу берилмайди. Аммо, хорижий тажрибада шуни кўриш мумкин, вакиллик органлари билан нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамкорлиги масаласига эътибор қаратиладиган бўлса, ҳамкорлик тўғрисида сиёсий ҳужжат қабул қилинишининг ўзи етарли эмаслигини таъкидлаш лозим, чунки бу жараён «муваффақиятли яқунлаш», деб ҳисобланмайди.

Германияда вакиллик ҳокимияти ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

-кўмаклашиш (моҳияти — давлат функцияларини, биринчидан, минтақавий даражага, иккинчидан, жамоатчилик институтларига ўтказиш, яъни тегишли ижтимоий хизматлар нодавлат нотижорат ташкилотлар бўлмаган тақдирдагина давлат институтлари томонидан амалга оширилади);

-бирга иштирок этиш (нодавлат нотижорат ташкилотлар ва давлатнинг биргаликдаги ҳаракатлари орқали муаммоларни ҳал қилиш);

-ижтимоий жавобгарлик (вакиллик ҳокимияти тузилмалари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари жамият манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ўз фаолияти истеъмолчиларга қай даражада таъсир кўрсатиши ҳақида жавобгарликни ўз зиммаларига олади);

-"ўз-ўзига ёрдам" (бу, агар ижтимоий гуруҳда муаммо бўлса, унда ҳукумат тузилмалари одамларнинг ўзини ўзи ташкил этиш ташаббусини кўллаб-қувватлайди).

Халқаро тажрибада вакиллик ҳокимияти ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигининг мазмуни асосан жамият аҳамиятига молик сиёсий қарорлар қабул қилишда фуқаролар ва фуқаролик жамияти институтларини ролини оширишни, бошқарувни демократлаштиришни ифодалайди. Шунингдек, қонунлар ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш жараёнида фуқаролик жамияти ташкилотлари билан маслаҳатлашувлар самарадорлигини оширишга катта эътибор қаратади.

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги янги давлат сиёсати амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги "Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ, ҳар бир маҳаллада "Обод ва хавфсиз маҳалла" тамойилига асосланган янги тизим жорий этилди. Ушбу ҳужжат билан Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туман (шаҳар) бўлинмалари ташкил этилди¹⁵. Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги давр талабига биноан Ўзбекистоннинг ҳозирги, ўзига хос янги босқичларга кўтарилиши жараёнида жамиятга мадад бўлиш мақсадида ҳамда ўзини ўзи бошқариш органлари

¹⁵ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.02.2020 й., 06/20/5938/0187-сон; 03.04.2020, 06/20/5978/0393-сон. <https://lex.uz/ru/docs/4740345?ONDATE=03.04.2020>

фаолияти самарадорлигига кўмакчи давлат органи сифатида ташкил этилди. Бу эса фуқаролик жамияти институти бўлган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг вакиллик ҳокимияти органлари билан ҳамкорлигини кучайтириш механизмларини бири сифатида катта аҳамиятга эгадир. Бир сўз билан айтганда, фуқаролик жамиятини барпо қилиш жараёнини жадаллаштирувчи ҳамкорлик модели (механизми) дунёга келди.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, Фармонга мувофиқ ушбу вазирлик мамлакатимиздаги ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига ёрдам кўрсатадиган кўмакчи давлат органи сифатида фаолият олиб боради.

Шундай хулоса қилиш мумкинки, вакиллик ҳокимияти органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигини кучайтириш давлат бошқарувини демократлаштириш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш ҳамда давлат ва жамият ишларида фуқаролар иштирокини таъминлаш омили бўлиб хизмат қилади.

Диссертациянинг **“Ўзбекистонда вакиллик ҳокимияти ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигини ривожлантириш истиқболлари”** деб номланган тўртинчи бобида жамият тараққиётини таъминлашда фуқароларнинг ахборотлардан хабардорлик даражасини ошириш, шунингдек, жамоатчилик маслаҳатлашувлари — давлат ва жамият ривожини таъминлаш сифатида таҳлил этилган, жамоатчилик назоратини таъминлаш — вакиллик ва фуқаролик институтлари ҳамкорлигининг самарали шакли нуқтаи назаридан кўрсатиб берилди.

Мамлакатимизда вакиллик ҳокимияти органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг аниқ тизимли шакллари ва йўналишлари ривож топмаган. Аслида, демократик жамиятда ислохотларнинг самарали кечиши бу икки институтнинг ҳамкорлиги билан чамбарчас боғлиқ.

Мазкур бобда вакиллик ҳокимияти органлари ва фуқаролик жамияти институтларнинг ушбу йўналишларда ҳамкорлигининг мавжуд сиёсий-ҳуқуқий, ташкилий асослари таҳлили ва уни кучайтириш механизмлари хусусида фикр юритилади.

Жамиятда олиб борилаётган ислохотлар, қабул қилинаётган қонунлар, қарорлар, дастурлар, стратегияларнинг барчаси фуқаролар тақдирига дахлдордир. Шундай экан, ушбу қонун ва қарорлардан фуқаролар доимий тарзда хабардорми, деган савол туғилади. Албатта, фуқароларимиз ўз вакиллари орқали хабардор бўлади, деган жавобни олиш мумкин. Аммо, рационал таҳиллар бу жавобни қониқарли деб ҳисобламайди. Демократик жамиятда фуқаролик жамияти институтларининг ўрни ва роли жуда каттадир. Фуқаролар ушбу институтлар орқали ўз манфаатларини ҳокимият идораларига тезроқ ва батафсилроқ етказиш имкониятига эга.

Жамиятда аввало, фуқаролар ўз тақдирларига дахлдор қонунларнинг, қарорларнинг, дастурларнинг ишлаб чиқилишида иштирок этиши ҳақидаги билимларга ва ахборотларга эга бўлиши лозим. Аҳоли ўз ҳудудини ривожлантиришда самарали ва тўлақонли иштирок этиши тўғрисида етарли

ахборотга эга бўлмасдан ижобий натижага эришиш қийин. Бирор соҳада кўриб чиқиладиган ишларнинг ҳолати тўғрисида умумий маълумот маълум бўлса, қабул қилинадиган қарор ёки қабул қилинадиган қарорнинг моҳияти тўғрисида зарур маълумотлар мавжуд бўлса, дастлабки қарор лойиҳалари ҳақида ахборотга эга бўлса жамоатчиликда қизиқиш масъулият пайдо бўлади. Фуқаро ўз ҳудудидини тараққий эттиришга дахлдорлигини ҳис этади, жамият манфаатларидан келиб чиқиб фикрлаш қобилияти шаклланади, ўз хатти-ҳаракатлари бошқаларнинг тақдирига ҳам таъсир этишини англаб яшайди.

1-жадвал

№	Вакиллик ҳокимияти органларининг фуқаролар ва фуқаролик жамияти институтлари(ФЖИ)ни ахборот билан таъминлаш механизми		
1	Тегишли давлат ҳокимияти фаолияти бўйича ахборот билан таъминлаш	Қарорлар қабул қилиш бўйича ахборот билан таъминлаш	Вакиллик ҳокимияти органларининг ўз функциялари ваколатлари доирасидаги ишлар бўйича ахборот билан таъминлаш
2	Интернетда ва интернетдаги ижтимоий тармоқларда ўз расмий каналига эга бўлиш ва ушбу канал орқали кунлик янгиликларни узатиб туриш	Тегишли ҳудуд тараққиёти учун зарур ҳужжатга зарурат мавжудлиги ҳақида ФЖИларини хабардор қилиш	Ижро ҳокимияти органлари раҳбарлари ҳисоботини эшитиш бўйича эълон бериш, ФЖИ хабардор қилиш
3	Ижтимоий тармоқ орқали тушадиган саволларга муносабат билдириш	Қарорлар (дастур, стратегия) қабул қилиш жараёнининг кун тартибини шакллантириш ва бу бўйича эълон бериш	Тегишли ҳудуд бюджетини қабул қилиш жараёнларида ФЖИ хабардор қилиш
4	Тегишли ҳудуддаги муаммони ҳал этишда ФЖИ жалб қилиш ва ҳамкорликдаги ишлар ҳақида ахборот тарқатиш	Қарорлар лойиҳасини муҳокамага қўйиш (расмий сайтларда электрон шаклда ва тегишли ҳудуд шароитидан келиб чиққан ҳолда)	Тегишли ҳудудда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масаласидаги ишларда ФЖИ хабардор қилиш

Ўзбекистонда вакиллик ҳокимияти органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигининг аҳолини хабардорлик даражасини ошириш

босқичи катта меҳнат ва ташаббусларни талаб этади. Бугун одамлар замонавий ахборот коммуникация технологияларидан самарали фойдаланишмоқда. Улар мурожаатларни ҳам, шикоятларни ҳам, ташаббусларини ҳам Интернетдаги ижтимоий тармоқлар орқали йўллашмоқда. Ижтимоий тармоқлар фуқаролар учун нафақат мулоқот воситаси, балки ахборот олиш, янги билимларга эга бўлиш манбаи ҳамдир. Бу эса одамларнинг сиёсий онги ва маданиятининг ошиб боришига, жамият ишларига қизиқишининг ортишига сабаб бўлмоқда. Шунинг учун ҳам америкалик олим Г.Рейнгольд шундай ёзади: “Мобиль алоқа ва ялпи компьютерлаштириш ва интернетлаштириш инсоннинг мулоқотидан тортиб меҳнат фаолиятигача ўзгартиришни бошлаяпти. Шунинг учун ҳам яқин келажакда одамлар ”ақлли омма”га айланадилар интернет ва компьютер ёрдамида ўзаро боғланишади ва жипслашишади.

Бугунги пандемия шароитидаги вазият ҳам таҳлил этилди. Бутун дунёга тарқалган коронавирус инфекцияси жорий йилнинг март ойида юртимизга кириб келган эди. Пандемияни олдини олиш ва унга қарши кураш бўйича Республика махсус комиссияси тузилди. Мамлакатимзда тиббиёт муассасалари фавқулодда иш режимига ўтказилди. Қисқа муддатда махсус шифохона ва карантин зоналари қурилди.

Бугунги короновирус падемияси шароитида фуқаролар давлат ҳокимиятидан доимий равишда ахборот талаб қилмоқда. Фуқароларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжи юзасидан доимий равишда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан касаллик кўрсаткичлари, даволанаётганлар сони ва бу борада яратилган захира ўринлари, аҳоли мурожаатлари, шошилиш тиббий ёрдам машиналари, дори-дармон таъминоти бўйича ҳолат юзасидан матубот анжуманлари ташкил этилаяпти. Давлат ҳокимияти ва фуқаролар, фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ахборот алмашув даражаси пандемияни олдини олиш ва унга қарши курашиш натижаларига бевосита таъсир этмоқда.

Аммо, шундай шароитда ҳам фақатгина республика даражасида ахборот билан таъминлаш масаласи етарли даражада амалга оширилди, вилоят ва туман, айниқса, туман, шаҳар даражаларида аҳолини ахборот билан таъминлаш ишлари қониқарсиз бўлди. Қачонки, давлат раҳбари халқ депутатлари вилоят, туман кенгашлари раҳбарларига ҳар куни эрталаб ва кечки пайт ижтимоий тармоқлар орқали аҳолининг саволларига жавоб бериш мажбуриятини юклади, шундагина олдинга силжишлар бўлди.

Умуман олганда аҳолининг ахборотлардан хабардорлик даражасини ошириш вакиллик ҳокимияти органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигини кучайтиришда муҳим босқич сифатида аҳамиятлидир. Буни бугунги кундаги пандемия шароити ҳам исботламоқда.

Жамият аҳамиятига молик сиёсий қарорлар қабул қилинишида вакиллик органлари — халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари фуқароларни ва улар уюшган фуқаролик жамияти институтлари — нодавлат нотижорат ташкилотлари, жамоат бирлашмалари, касаба уюшмалари,

оммавий ахборот воситаларини жалб қилиш, жамоатчилик муҳокамаларини ташкил этиш вакиллик ҳокимияти органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигининг муҳим йўналишларидан ҳисобланади. Бу ҳамкорлик жамиятда фуқароларни сиёсатга, давлат ва жамият бошқарувига қизиқишини оширади ва масъулиятини юксалтиради.

Мамлакатимизда қонунлар ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилишда жамоатчилик муҳокамалари ўтказишнинг ҳуқуқий асослари муайян маънода яратилганлиги таъкидланади ва жаҳон тажрибаси таҳлил этилди.

Жаҳонда бу борада салмоқли тажриба шаклланган бўлиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қарорлар қабул қилишда жамоатчилик иштироки бўйича стандартлар белгиланган. Мисол учун Европада ҳам минтақавий даражада фуқаролик жамияти институтлари воситасида жамоатчилик иштироки янада ривожланган ва прогрессивдир. Европа Кенгаши ва Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг минтақавий тизимларида шакллантирилган жамоатчилик иштироки соҳасидаги стандартлар ва кўрсатмалар катта аҳамият касб этади.

Европа Кенгаши тизими нодавлат нотижорат ташкилотлари ва маҳаллий ҳокимият органларининг ўзаро муносабатлари учун иккала йўналишда ҳам, жамоатчиликнинг иштироки ва уюшиш эркинлигининг таркибий қисми сифатида муайян меъёрлар мавжуд.

Аслида ҳам маслаҳатлашувлар давлат вакиллик ҳокимияти органларига расмий тартиб доирасида муайян сиёсат ёки масала бўйича фуқароларнинг фикрларини тўплаш имконини беради. Маслаҳатлашувлар турли хил воситалар ёрдамида амалга оширилиши мумкин, масалан учрашувлар, оммавий тингловчилар, фокус-гурӯҳлар, анкеталар ва рақамли технологиялар орқали ўтказилиши мумкин. Давлат вакиллик ҳокимияти органлари маслаҳатлашувлар натижалари тўғрисида жамоатчиликни хабардор қилишлари керак.

Мамлакатимизда вакиллик органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасида доимий алоқани таъминлайдиган мулоқот ва иштирок этиш учун доимий майдон вазифасини ўтовчи сиёсий платформаларга эҳтиёж сезилмоқда. Бундай платформалар мунтазам оммавий эшитувлар, жамоат форумлари, маслаҳат кенгашлари ёки шунга ўхшаш тузилмалар шаклида бўлиши мумкин.

Қарорларни қабул қилиш жараёнида иштирок этиш жамоатчилик, хусусан, фуқаролик жамияти, шунингдек бошқа манфаатдор томонлар ва иштирокчилар уларнинг манфаатларига таъсир кўрсатадиган ёки таъсир қилиши мумкин бўлган сиёсат ва қонунларни ишлаб чиқишда иштирок этиш имкониятига эга бўлишларини англатади. Фаол фуқаролик иштироки ва қарорларни шаффоф қабул қилиш жараёни сиёсий ва қонунчилик даражасида қабул қилинадиган қарорлар сифатини яхшилашга, уларни муваффақиятли амалга ошириш имкониятларини кенгайтиради ва аҳолининг давлат идораларига ишончини оширишга хизмат қилади.

№	Вакиллик ҳокимияти органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг жамоатчилик маслаҳатлашувларини ташкил этиш йўналишида ҳамкорликни кучайтириш механизми		
1	Жамоатчилик билан маслаҳатлашув учун мажбурий ягона стандартларни жорий қилиш	Фуқаролик жамияти институтлари мажбуриятлари	Қарорлар жамоатчилик иштирокисиз қабул қилинишига йўл қўймаслик
2	Фуқаролар ва улар уюшган ташкилотларнинг ишлаб чиқиладиган ҳар қандай ҳужжатга оид маълумот олиш тўғрисидаги сўровига тезкор жавоб бериш	Маҳаллий ҳокимият органлари билан ўзаро ҳамкорликнинг барча мумкин бўлган шаклларига қўшилиш	Жамоатчилик билан маслаҳатлашувлар ўтказилмаганлиги сабабли, ишлаб чиқилган ҳужжатлар лойиҳаларини муаллифларга қайтариш тизимини йўлга қўйиш
3	Қарорлар қабул қилиш жараёнида иштирок этишда қулай шарт-шароитлар яратиш	Маҳаллий халқ депутатлари Кенгашлари мажлисларида қатнашиш	Қарор қабул қилишда жамоатчилик иштирокини таъминлаш бўйича қонуний мажбуриятни бузганлик учун жавобгарликка тортиш механизмини жорий қилиш
4	Фуқаролик жамияти институтларига ҳужжатлар лойиҳалари бўйича таклифлар тайёрлаш учун етарлича вақт бериш борасида жамоатчилик маслаҳатлашувининг аниқ ва оқилона минимал шартларини белгилаш	Маҳаллий депутатлар Кенгашининг доимий ва вақтинча комиссиялари ишида қатнашиш учун ўз вакиллари юбориш. Зарур таклифларни ишлаб чиқиш ва жамоатчилик муҳокамаларида қатнашиш	Қарор қабул қилишда "фавқуллодда" ёки "тезлаштирилган" тартибларни қўллаш мумкин бўлган ҳолатларнинг рўйхатини аниқ белгилаш

Муҳокама қилинаётган масалани кўриб чиқишга қизиқиш билдирган барча бирлашмалар ва шахслар даражасида қарорлар қабул қилиш жараёнида тенг даражада иштирок этишни таъминлайдиган аниқ ва мажбурий қоидалар бўлиши мақсадга мувофиқ.

Жамоатчилик назорати моҳиятига эътибор берадиган бўлсак, ҳар бир киши жамиятда яшар экан, мавжуд қоидалар ва кадриятларга бўйсунуш,

меъёрларга амал қилишга мажбур. Айнан ана шу меъёрларнинг амал қилиши учун жамоатчилик назорати зарур, бу ижтимоийлашувни келтириб чиқариб, ижтимоий муносабатларни уйғунлаштиради ва жамиятда бирликни юзага келтиришга хизмат қилади. Жамиятда меъёрларнинг амал қилиши унинг аъзолари томонидан қабул қилинганлигини англатади. Уларга амал қилмаганларни жамоатчилик назорати аниқлайди ва тартибга чақиради.

Мамлакатимизда “Жамият – ислохотлар ташаббускори” деган ғоя амалга оширилаётган ислохотларнинг амалий натижадорлигини оширишда, янги ташаббуслар, фикрлар ва қарашларни илгари суришда юртдошларимизнинг янада фаолроқ, янада ташаббускор бўлишига эришиш вазифаси долзарблигини намоён этади.

Айнан шу нуқтаи-назардан давлатимиз раҳбари ўз чиқишларида ҳам жамоатчилик назоратида халқ иштирокини кучайтириш, шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартириш, қурилиш ва ободончиликка оид қарорлар, дастлаб ўша ҳудуддаги аҳоли ўртасида муҳокама қилиниб, жамоатчилик экспертизасидан ўтказилиши шарт эканлигига алоҳида урғу берадилар.

Бугунги кунда вакиллик ҳокимияти органлари ва фуқаролик жамияти институтлари юртимизда жамоатчилик назоратини кучайтириш борасида ҳамкорлик масалаларига катта эътибор бериши лозим.

3- жадвал

№	Вакиллик ҳокимияти органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг жамоатчилик назоратини таъминлаш борасидаги ҳамкорлик механизми		
1	Вакиллик ҳокимияти органларининг функция ва ваколатлари	ФЖИнинг жамоатчилик назорати субъекти сифатидаги ваколатлари	Вакиллик органлари ва ФЖИнинг ҳамкорлигини кучайтириш йўналишлари
2	Ижро ҳокимияти органлари раҳбарлари ҳисоботлари ва ахборотларини тинглаш	Жамоатчилик эшитуви ўтказиш; Жамоатчилик мониторинги ўтказиш; Жамоатчилик экспертизаси ўтказиш	Жамият манфаатини таъминлаш мақсадида тегишли ҳудудда биргаликда мансабдорларнинг ҳисоботларни эшитиш ва
3	Депутат сўрови	Давлат органларига аризалар, шикоятлар ва таклифлар билан мурожаат қилиш	жамоатчилик эшитувини ташкил этиш, сўровлар юбориш, жамоатчилик мониторинги ва
4	Вакиллик органидаги сиёсий партия гуруҳлари сўрови	Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сўровлар юбориш	экспертизасини ўтказиш, натижалари бўйича тегишли органларга хулоса бериш ҳамда
5	Доимий комиссияларнинг	Давлат органларининг очик	фуқароларни хабардор

	тегишли ҳудудда жойлашган давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг ахборотини тинглаш.	хайъат мажлисларида иштирок этиш.	қилиш; Интернетда ҳамкорлик — коллаборация шаклида ишлаш тизимини йўлга қўйиш.
--	--	-----------------------------------	--

Давлат фуқароларнинг турли эҳтиёжлари, қизиқишлари, манфаатларига хизмат қилиши, эркин мулоқот, фикрлар, баҳс-мунозаралар, давлат ва жамият ҳаётида фуқароларнинг фаоллиги фуқаролик жамияти доимо интилиб яшайдиган юксак даражадир. Бундай юксакликка эришишда давлат ва жамият, фуқаролар ўртасидаги мулоқот ва ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бир жиҳатга алоҳида аҳамият бериш зарур, жамиятда жамоатчилик назоратини сифатли таъминлаш учун, аввало, фуқароларнинг ахборот олиш ва хабардорлик даражаси юқори бўлиши керак, ундан кейин ўша ҳудудда қарорлар, дастурлар ишлаб чиқилишида фуқаролик жамияти институтлари иштирок этган бўлиш керак. Демак, қарорлар тайёрланишадан хабардор бўлган ва қарорлар қабул қилинишида иштирок этган фуқароларнинг уларнинг ижросини назорат қилиши осон бўлади.

Жамиятни тараққий эттириш учун вакиллик ҳокимияти органлари ва фуқаролик жамияти институтлари томонидан муайян босқичларда жамоатчилик иштирокини ошириш стратегияси ишлаб чиқилди. Стратегиянинг асосий йўналишлари қуйидагилар:

биринчи, фуқароларнинг ахборот олиш ва хабардорлик даражасини ошириш;

иккинчи, жамият аҳамиятига молик ҳужжатлар қабул қилинишида жамоатчилик маслаҳатлашувларини ўтказиш;

учинчи, жамоатчилик назоратини таъминлаш каби босқичларда ҳамкорликни кучайтириш.

Ушбу стратегиянинг моҳияти таҳлил қилинди ва муайян босқичларда кўрсатиб берилди.

Бирор бир соҳани олайлик, мисол учун, ҳудудда сиёсий маданиятни ошириш масаласи. Биринчи босқичда сиёсий маданият бўйича ҳудуддаги ҳолат, шарт-шароит, имкониятлар, амалга оширилиши режалаштирилаётган ишлар юзасидан давлат ҳокимияти органлари томонидан фуқароларга зарур ахборот берилса, кенг маълумотлар етказилса фуқароларда ўша соҳа бўйича фикрлар, ташаббуслар шаклланади, сиёсий маданиятни ошириш борасида ўз тажрибалари, билим ва кўникмаларини ҳамда ҳокимиятдан олинаётган ахборотларни синтез қилган ҳолда муайян ғоя ва ташаббусларга эга бўлади. Демак аҳолининг хабардорлик даражаси юқорилиги, жамиядаги масалалар ҳақида фуқароларнинг ўз фикри, таклиф ва тавсиялар, ташаббуслари шаклланишини таъминлайди.

Иккинчи босқичда фуқароларнинг хабардорлик даражаси юксалгач, сиёсий маданиятни ошириш бўйича муайян қарорлар, дастурлар, стратегияларнинг лойиҳалари шаклланаётганида фуқаролар ва фуқаролик жамияти институтларини турли усулларда жалб қилиниши, улар билан маслаҳатлашувларнинг ўтказилиши лойиҳаларни реал таклиф ва тавсиялар, худуд аҳолисининг талаб ва эҳтиёжлари ифодаланган бандлар билан тўлдирилишини, уларнинг халқчил ва ҳаётий ҳужжат сифатида қабул қилинишини таъминлайди.

Учинчи босқичда фуқаролик жамияти институтлари вакиллик ҳокимияти орқали жамиятда сиёсий маданиятни ошириш масаласида тўла-тўқис ахборотларга эга бўлгач, шунингдек, қарорлар ёки дастурлар қабул қилинишида онгли равишда иштирок этгач, ушбу дастурлар ва қарорларнинг ижросини назорат қилиши ҳам осонлашади. Фуқаролар ахборот билан таъминлангач, хабардорлик даражаси юқори бўлади ва қарорлар, дастурларни ишлаб чиқишда ўзларининг реал фикрларини беради, қарорларни ҳаётий қабул қилинишига ҳисса қўшади, кейин эса, ўша ҳужжат ижроси устидан жамоатчилик назорати ҳам сифатли бўлади. Агар фуқаролик жамияти институтлари вакиллари қарорлар ижросини назорат қилишда қийинчиликлар, муаммоларга дуч келишса, навбатдаги қарорлар ва дастурларни қабул қилишда янада масъулиятлироқ бўлишга ҳаракат қилишади. Зеро, мамлакатимиз Президенти таъкидлаганидек, “Мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига оид ва жамоатчиликда алоҳида қизиқиш уйғотадиган ўта муҳим масалаларга доир қарорларни қабул қилишда жамоатчилик билан маслаҳатлар, жамоатчилик эшитувларини ўтказиш мажбурийлигини аниқ белгилаш керак. Жамоатчилик маъқул деса – маъқул, номаъқул деса – номаъқул бўлади”.

ХУЛОСА

Тадқиқот давомида мавзу доирасида ўрганилган илмий ёндашувлар, ғоялар, илмий назарий адабиётлар, эмпирик маълумотлар ва мамлакатимизнинг вакиллик ҳокимияти органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигининг реал ҳолати бу борада муайян хулосаларга олиб келади:

1. Бугунги шиддатли тараққиёт даврида вакиллик ҳокимияти ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигини янада кучайтириш зарурати фуқароларнинг демократик ислоҳотлардаги фаоллигини оширишга хизмат қилади.

2. Аҳоли турли қатламлари манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ташкил этилаётган нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаоллашуви, фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданияти юксалиши, ўзларининг ҳуқуқларидан тўлақонли фойдаланган ҳолда турли жамоат бирлашмаларига

аъзо бўлиш тенденцияси ортиб бораётгани ўзаро ҳамкорликка бўлган эҳтиёжни янада оширмоқда.

3. Сайлов вакиллик ҳокимиятининг бошқа институтлар орасида алоҳида ўринга эга эканини, уларнинг жамият билан яқин алоқада эканини белгилайди. Депутатларнинг демократик сайловлар орқали сайланиши фуқароларга вакиллик институтлари билан боғлиқ эканликларини англаш, ҳис қилиш имконини беради, халқ вакиллари ва сайловчилар ўртасида тўғридан-тўғри алоқа ўрнатилишига асос бўлади. Халқ вакиллари одамларнинг реал эҳтиёжларини ҳис қилади, шу боис уларнинг номидан гапириш учун бошқа давлат органларига қараганда анча катта ваколатларга эгадир.

4. Бирор соҳада кўриб чиқиладиган ишларнинг ҳолати тўғрисида умумий маълумот маълум бўлса, қабул қилинадиган қарор ёки қабул қилинадиган қарорнинг моҳияти тўғрисида зарур маълумотлар мавжуд бўлса, дастлабки қарор лойиҳалари ҳақида ахборотга эга бўлса жамоатчиликда қизиқиш ва масъулият пайдо бўлади. Фуқаро ўз ҳудудидини тараққий эттиришга дахлдорлигини ҳис этади, жамият манфаатларидан келиб чиқиб фикрлаш қобилияти шаклланади, ўз хатти-ҳаракатларини бошқаларнинг тақдирига ҳам таъсир этишини англаб яшайди.

5. Маҳаллий давлат ҳокимияти ва ўзини ўзи бошқариш органлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг маълумотлар базалари зарур ахборот билан доимий тўлдирилиб борилиши ва унга фуқаролар эркин кира олишини таъминлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

6. Қонунчилик, қарорлар ишлаб чиқишда ва ўзгатиришлар киритиш масалалари бўйича маслаҳатлашувлар жараёни, шунингдек нодавлат нотижорат ташкилотларининг жамият аҳамиятига молик қарорларни қабул қилиш жараёнидаги иштироки натижалари тўғрисида жамоатчиликни доимий хабардор қилиб бориш механизминини ишлаб чиқиш лозим.

7. Ҳудудда олиб бориладиган ислоҳотлар, қабул қилиниши кутилаётган қарорлар ва бошқа янгиликлар бўйича фуқаролар учун кўлланмалар, брошюралар тайёрлаш ёки бошқа офлайн ва онлайн воситалари орқали тарқатиш, давлат хизматчилари учун тренинглар ва фуқаролик жамияти институтлари аъзолари учун ўқув тадбирларини жорий этиш мақсадга мувофиқ.

8. Жамоатчилик билан маслаҳатлашув асосида жамоатчиликнинг иштирок этиш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг “Қарорлар қабул қилишда қатнашиш тўғрисида” қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш амалий аҳамиятга эга.

9. Ҳамкорликнинг шаффофлигини таъминлаш мақсадида халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари фуқаролар, оммавий ахборот воситалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан жамоатчилик назоратининг Интернетда ҳамкорлик — коллаборация (вазиятдан келиб чиқиб, ўзаро ҳамкорликдаги ҳаракатлар) шаклида ишлаш тизимини йўлга қўйиш лозим.

10. Жамоатчилик назоратини натижадорлигини таъминлаш мақсадида «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонунга «жамоатчилик назорати натижаларини ҳисобга олиш» тушунчасини киритиш лозим.

11. Ҳокимларнинг ижро масъулиятини ошириш мақсадида «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қорақалпоғистон Республикаси Қонуни 22¹-моддаси учинчи хатбошида “халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгаши депутатлари” деган жумлалар ўрнига “Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутатлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши” деб ўзгартириш киритиш лозим.

Амалий тавсия ва таклифлар:

Ишнинг асосий мазмуни ва хулосалардан келиб чиқиб, қуйидаги таклифларни беришимиз мумкин:

1. Давлат органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, мансабдор шахсларнинг масъулиятини ошириш мақсадида нодавлат ноижорат ташкилотлари назорат функцияларини кучайтириш ҳамда давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини амалга ошириш зарур.

2. Демократик жамиятда фуқаролар манфаатлари ва талабларини тўлиқ кондиришга ҳаракат қилинади, аммо эркин бозор шароитида манфаатларнинг тури шунчалик кўпайиб кетадики, ҳокимият уларнинг барчаси ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўла олмайди. Бундай шароитда фуқаролик жамияти институтлари мунтазам равишда фуқароларнинг энг долзарб талаб ва эҳтиёжлари ҳақида ҳокимиятни ўз вақтида огоҳлантириб туриши лозим ва ўз навбатида, ушбу хабарлар бўйича давлат органлари томонидан кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида ННТлар мунтазам равишда маълумотга эга бўлишлари зарур.

3. Мамлакатда яратилган демократик жамиятнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари самарадорлиги фуқароларнинг сиёсий онг, сиёсий маданият, фуқаровий бурч, фуқаролик масъулияти, фуқаролик позицияси қанчалик давр талабига мос эканлиги билан белгиланиб, ушбу масала юзасидан вакиллик ҳокимияти билан ННТлар ҳамкорлиги бўйича тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш талаб қилинади.

4. Ижро ҳокимияти ва суд органлари фаолиятининг самарадорлиги вакиллик ҳокимияти томонидан ишлаб чиқилиб, қабул қилинган қонунларнинг сифати халқ эҳтиёжларига мослиги ва ҳаётийлиги (бош мезонлар) билан белгиланишини инобатга олиб, бу борада вакиллик ҳокимияти фаолиятига объектив баҳо (сиёсий, ҳуқуқий) бериш механизминини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

5. Ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини ишлаб чиқишда биринчи навбатда фуқаролик жамияти институтларининг талаб ва эҳтиёжлари инобатга олинishi ва шаффоф жамоатчилик муҳокамасида кўриб чиқилиши мақсадга мувофиқдир.

6. Қарорлар қабул қилиш жараёнида фуқаролар ва уларнинг манфаатларини бирлаштирган институтларнинг иштирокини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш мақсадга мувофиқдир. Қарорларни қабул қилиш жараёни тўғрисида тегишли маълумотлар етказилиши маҳаллий шароитларга, шахслар ва гуруҳларнинг эҳтиёжларига мутаносиб тарзда амалга оширилиши мақсадга мувофиқ.

7. Мамлакатимизда вакиллик ҳокимияти органлари сиёсий қарорлар қабул қилишда фуқаролик жамияти институтлари билан тўртта босқичда яъни, маълумот бериш, маслаҳатлашувларни ташкил этиш, мулоқотларни рағбатлантириш, жамоатчилик назоратини таъминлашда ҳамкорликни кучайтириш мақсадга мувофиқ.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSC.29.08.2017.S.01.08
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА
НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА**

БАЙРЫЕВА АЛМАГУЛЬ КУРБАНОВНА

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕХАНИЗМОВ ЭФФЕКТИВНОГО
СОТРУДНИЧЕСТВА ПРЕДСТАВИТЕЛЬНОЙ ВЛАСТИ И
ИНСТИТУТОВ ГРАЖДАНСКОГО ОБЩЕСТВА В ОБЕСПЕЧЕНИИ
РАЗВИТИЯ ОБЩЕСТВА**

23.00.02 - Политические институты, процессы и технологии

**АВТОРЕФЕРАТ
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ПОЛИТИЧЕСКИХ НАУК (DSc)**

Ташкент-2021

Тема диссертации доктора наук (DSc) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2020.2.D.DSc / Ss44.

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета Национального университета Узбекистана (www.tsd1.uz) и информационно-образовательном портале «ZiyoNET» (www.ziynet.uz).

Научный консультант:

Пахрутдинов Шукритдин Ильясович
доктор политических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Идиров Улугбек Юсупович
доктор политических наук, профессор

Джўраев Юлдаш Очилович
доктор юридических наук, профессор

Жалилов Ақтам Ташназарович
доктор политических наук, профессор

Ведущая организация:

**Ташкентский государственный
экономический университет**

Защита диссертации состоится на заседании Научного совета DSc.03 / 30.12.2019.Ss.01.08 при Национальном университете Узбекистана, которое будет проведено “___” _____ 2021 года в _____ часов. (Адрес: 100192, г. Ташкент, Студенческий городок, улица Университетская, дом 4.

Тел.:(99871) 246-02-24; факс: (99871) 246-02-24; E-mail: info@nuu.uz

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирована за № ____). Адрес: 100192, г. Ташкент, Студенческий городок, улица Университетская, дом 4. Тел.:(99871) 246-02-24; факс: (99871) 246-02-24; E-mail: info@nuu.uz

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2021 года.

(Реестр протокола рассылки № _____ от «___» _____ 2021года).

А.Г. Муминов

Заместитель председателя Научного совета
по присуждению ученых степеней, доктор
политических наук, профессор

К. М. Мирзаахмедов

Секретарь Научного совета по присуждению
ученых степеней, доктор философии (PhD)

А.Г. Муминов

Председатель Научного семинара при
Научном совете по присуждению ученых
степеней, доктор политических наук,
профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации(DSc))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Успех процессов демократизации в мире определяется укреплением и расширением сотрудничества между органами государственной власти и институтами гражданского общества, повышением роли институтов гражданского общества в деятельности представительных органов власти. В международной практике в развитых странах большое значение придается активности негосударственных некоммерческих организаций по контролю деятельности органов государственной власти, обеспечению эффективности управления. Поэтому, в развивающемся мире повышается практическое значение научных исследований по анализу взаимодействия представительных органов власти и институтов гражданского общества, демонстрации оптимальных механизмов взаимодействия этих субъектов и развития их сотрудничества в соответствии с современными требованиями.

На современном этапе осуществляемых широкомасштабных реформ в развитых странах особое внимание уделяется кардинальному совершенствованию деятельности государственных представительных органов, усилению социального партнерства между государством и обществом, повышению роли и ответственности институтов гражданского общества в общественной жизни, ускорению дальнейшего повышения активизации «граждан» и «гражданских институтов общества» в политическом процессе.

А также ряд исследовательских центров в развитых странах проводят научные исследования, направленные на повышение эффективности общения между народом и государственными учреждениями для решения важных проблем в социальных, экономических, правовых и духовных сферах. В научных исследованиях большое внимание уделяется внедрению механизма общественного контроля, совершенствованию правового воздействия и статуса институтов гражданского общества, обеспечению эффективности деятельности представительных органов власти.

В Узбекистане формируется система общения с народом, что является своеобразным направлением сотрудничества местных представительных органов власти и институтов гражданского общества. В рамках реализации новой идеи «Общество-инициатор реформ», расширения участия населения в управлении государством и обществом в стране определены задачи “наладить современный, системный и эффективный диалог между государством, гражданами и институтами гражданского общества, объединить усилия страны для более быстрого и всестороннего развития и обеспечить согласование их социальных интересов”¹⁶. Это свидетельствует об актуальности углубленного изучения международного опыта в данной

¹⁶ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. //Халқ сўзи, 25 январь 2020 йил, 19 (7521)

сфере, изучения путей совершенствования механизмов взаимодействия представительных органов государственной власти и институтов гражданского общества в нашей стране.

Данная диссертация в некоторой степени способствует реализации приоритетов, изложенных в Указах и постановлениях Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», № УП-5430 от 4 мая 2018 года «О мерах по коренному повышению роли институтов гражданского общества в процессе демократического обновления страны», № ПП-4473 от 4 октября 2019 года «О дополнительных мерах по повышению эффективности общественного контроля за проводимыми реформами в социально-экономической сфере, а также активности граждан в осуществлении демократических преобразований в стране», № ПП-4501 от 30 октября 2019 «О мерах по поддержке деятельности Центра развития гражданского общества» и других нормативных актах в этой области.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики I. «Дальнейшее углубление демократических реформ, формирование гражданского общества, развитие научных основ модернизации и либерализации национальной экономики».

Обзор зарубежных исследований по теме диссертации¹⁷. Ведущие мировые исследовательские центры и высшие учебные заведения такие, как: Department of Political Science at the New York University, Department of Political Science at the University of Wisconsin, Stanford University, Center for the study of Democracy of the University of California, Ohio State University, Columbia University (США), Institute for the Study of Civil Society (Civitas) (Великобритания), School for Advanced Studies in the Social Sciences in Paris (Франция), Berlin Civil Society Center, Universität Mannheim, Ludwig-Maximilians-Universität München (Германия), University of Palermo, Center on Social Movement Studies (Италия), Wageningen University (Нидерландия), Norwegian Institute for Social Research (Норвегия), The China Research Center (Китай) Centre for Civil Society (Индия), осуществлял исследования по вопросам механизмов и технологий модернизации общества.

В результате исследования сотрудничества между представительной властью и институтами гражданского общества был получен ряд научных результатов, в том числе: исторические и современные особенности взаимоотношений между представительной властью и гражданским обществом были изучены с политической стороны (Ohio State University, США); изучены функциональные задачи представительной власти в развитии

¹⁷ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: www.nyu.edu, www.wisc.edu, www.democracy.uci.edu, www.osu.edu, www.unipa.it, www.columbia.edu, www.unipage.net, www.uni-mannheim.de, www.ehess.fr/fr, www.socialresearch.no; www.ccs.in; www.igh.ru; www.iphras.ru; www.igpran.ru; www.civilfund.ru; www.eprcstrath.eu/; www.riss.ru/.

